

**Гулжамол АСКАРОВА**

**ТУРНАЛАР  
ЙЎЛИ**

*Шеърлар*

Faafur Fulom nomidagi  
нашиёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2010

84 (5Ў)6

А86

Асқарова, Гулжамол.

Турналар йўли: шеърлар / Г. Асқарова. – Т.:Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 32 б. (Зулфияхоним издошлари)

Гулжамол Асқарова 1987 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факультети магистранти. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасида етакчи мутахассис сифатида фаолият юритмоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори (2001). Шу кунга қадар унинг "Дил фасли" (1998), "Рўшионик" (2000), "Бедор кўнғироқ" (2003), "Баҳт дастхати" (2004), "Уйғотувчи алла" (2007), "Гулнома" (2008) каби шеърий китоблари нашр этилган.

Гулжамол бутунги ўзбек шеъриятига ўзининг ҳеч кимникига ўҳшайвермайдиган ижодий изланишлари, теран кечинмалари, закий нигоҳи билан кириб келаётган шоира. Унинг шеърлари нафақат оҳорли ташбеҳлари-ю. рангин туйғулари билан, балки аввало, ижодкор қалбипинг чин самимияти билан ҳам ўкувчиларни мафтун қиласди.

Ўйлаймизки, ёш истеъдод соҳибасининг F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳомийлигига, "Барқамол авлод" Давлат дастури доирасида чоп этилаётган "Турналар йўли" деб аталмиш ушбу шеърий гулдастаси ҳам адабиёт мухлисларига манзур бўлади.

ББК 84 (5Ў)6

Λ 4702620202-62  
М352(04)-2010 -2010

ISBN 978-9943-03-297-2

© Гулжамол Асқарова,  
Faфур Fулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2010 йил.



## БАХТЛИ ҚИЗ ҚҮШИФИ

Юрсам тўрт тарафим гулзор бўлади,  
Гуллайман, ҳар куним баҳор бўлади,  
Сўз айтсан ашъору алёр бўлади,  
Мен шу гўзал юртнинг баҳтли қизиман!

Онамдек бошимни силайди Ватан,  
Ҳар тонг иқболимни тилайди Ватан,  
Дуолар қиласди, қўллайди Ватан,  
Мен шу гўзал юртнинг баҳтли қизиман!

Тоғларда сайрим бор кийиклар билан,  
Дили Эл дардила куюклар билан,  
Илдизим туташдир буюклар билан,  
Мен шу гўзал юртнинг баҳтли қизиман!

Яшайман Зулфия, Нодира бўлиб,  
Тонгги шабнамлардек бокира бўлиб,  
Баҳт топдим, олима, шоира бўлиб,  
Мен шу гўзал юртнинг баҳтли қизиман!

Барчинойдан мерос номус-орим бор,  
Дунёни гуллатар гул баҳорим бор,  
Кўксимда бир буюк ифтихорим бор,  
Мен шу гўзал юртнинг баҳтли қизиман!



## БАҲОРГА ЧОРЛОВ

Қирқ йил ётган bemorlar turинг,  
Ухлаб ётган эй морлар turинг,  
Ишқ деб ёнган xor-zorлар turинг,  
Baҳor келди ахир оламга.

Бунча яхши дилбарлик фасли,  
Беқарорлик, бесарлик фасли,  
Етдику дил безарлик фасли,  
Baҳor келди ахир оламга.

Келди баҳор чечаклар билан,  
Чечак тўла этаклар билан,  
Ишим борми эртаклар билан,  
Baҳor келди ахир оламга.

Инжалик бор қизнинг нозида,  
Ишқ шивирлар йигит розида,  
Куйланг фақат севги созида,  
Baҳor келди ахир оламга.

Белни боғланг камалак билан,  
Хабарлашинг капалак билан,  
Ҳислар қайнар сумалак билан,  
Баҳор келди ахир оламга.

Варракларда учар юраклар  
Юраклардек учар варраклар,  
Бир дийдор деб жоним ҳалаклар,  
Баҳор келди ахир оламга.

Қизғалдоқлар қонимга келинг,  
Ишқ дардлари жонимга келинг,  
Ёрижоним, ёнимга келинг,  
Баҳор келди ахир оламга.

## КУЗАТИШ

Бугун Сизни кузатдим йўлга,  
Қўлларимни чўздим Сиз томон.  
Азал-абад тиланган қўлга,  
Муҳаббатни қилурлар эҳсон.

Қўлларимда меҳримни тутдим.  
Юрагимда ҳислар қилди жанг.  
Хайр, яхши боринг ва лекин,  
Қўлларимни қўйиб юборманг.



## ДУНЁНИНГ РАНГИ

Дилбарлик рангига келди бу баҳор,  
Бир лаҳза исмимни унугди ёдим.  
Тоғларнинг кўксига жарангласада,  
Сизнинг кўксингизда синди фарёдим.

Минг йил дўст излаган телба дарвишдек,  
Минг мил йўл юрган бир сайёҳ бечора.  
Сизни бир кўрай деб дунёга келиб,  
Оввора бўлибман, оввора...

Қўл бердим, юлдузлар қўлимни ўпди,  
Пойингни ўпай деб келди дарёлар.  
Сизни топганимни ҳайқириб айтсам,  
Жилмайиб қўйдилар дунёлар...

Мехр бу Тангрининг эҳсони, нури!  
Оlam бор, Худо бор, бор экан шу нур.  
Тоза юрагингиз учун минг раҳмат,  
Мехрибон қалбингиз учун ташаккур.



## ФАРИШТА

Узиларми боғланган иплар,  
Боғланарми, узилган ришта.  
Мен Сиз ҳақда хаёллар сурсам,  
Тушларимга кирар фаришта....

Бироқ... нечун бу бегоналик,  
Недан инди кўзларимга ғам.  
Ўтдан олиб ўтларга солиб,  
Жим кузатиб турарми одам?

Қисқа йўлда ҳамроҳ бўлдик биз,  
Кўзлагандим узоқ йўлни мен.  
Энди кимнинг пойига ташлай,  
Юрагимдан узган гулни мен?

Қандай бўлар дўстликнинг шарти,  
Қайда хато қилдим билмадим.  
Сиздан айро қолмоғин сезиб,  
Юракларим йиғлади маним.

Бунча Сизга ўргандим билмам,  
Бунча қаттиқ боғланди ришта.  
СИЗНИ топган кунимдан бошлаб,  
Тушларимга киарар... ФАРИШТА...

### СИЗНИ КҮРСАМ...

Ёнингизга борсам майлими,  
Майлими жим термулиб турсам.  
Юзингизнинг жилваларида,  
Сизни күрсам, дунёни күрсам!

Мафтун қилди ўрик гуллари,  
Япроқларга лабимни босдим.  
Мен баҳорга айланиб гүё,  
Дараҳтларга қўнғироқ осдим.

Сиз баҳорда туғилган санам,  
Баҳор билан эгизак руҳи.  
Юрагимда кезиб юрибди,  
Сиз юборган гуллар шукуҳи.

Ҳис айладим юрак тафтини,  
Қай томонга юзимни бурсам.  
Нима қилай, тўрт томонимда,  
Сизни күрсам, Худони күрсам....



## АРАЗ

Сиздан ғамлар келди кўнглимга,  
Нечун Сиздан келди озорлар.  
Ҳамма, ҳар ким, ҳар нарса сотар,  
Лек меҳрни сотмас бозорлар.

Керакмиди Сизга шу меҳр,  
Керакмиди шу ёниқ юрак?  
Яхши кўрдим, лек бу шамоллар,  
Ҳисларимни қилдилар эрмак.

Сизга беҳад меҳрлар бердим,  
Яна ҳадсиз боғланди кўнглим.  
Бугун Сизни йўқотдим, шундан,  
Қўшиқларим мунглидан мунгли...

Қалбингиздан ҳайдаманг мени,  
Шундоқ ҳам кўп чекдим озорлар.  
Билиб қўйинг, ҳар нарса сотар,  
Лек меҳримни сотмас бозорлар....



## СОФИНЧ

Олча гулларидек оппоқ ҳисларим,  
Шу оқ фаслларнинг дийдори ҳаққи,  
Ҳидлатиб райхону гуллар бўйларин,  
Баҳор дараҳтларга оқ мунчоқ тақди.

Кўксимга сифмайди ҳайратлар, розлар,  
Кўзимга сифмайди муnis чеҳрангиз.  
Мен жим япроқлардек берсам овозлар,  
Сиз жим юрагимга кириб келсангиз....

Ёмғирлар ёғмоқда бошимни силаб,  
Сизни кутаяпман интизор, бедор.  
Исмингизни айтсам маҳзун шивирлаб,  
“Сен билан қоламан” демоқда баҳор.

Олча гулларидек оппоқдир руҳим,  
Шу азиз кунларга зор эди юрак.  
Дараҳтларга менинг маъюс нигоҳим,  
Менга эса Сизнинг меҳрингиз керак.

Ва яна англадим, ҳис этдим бугун,  
Юрагим Сиз билан омонлигини.  
Ўзингиз ҳам англаб қоларсиз, бир кун,  
Сизсизлик нақадар ёмонлигини...

### **СИЗНИ СОФИНИИ...**

Сизни соғинаман, Сизни севаман.  
Мудом Сизга муштоқ менинг қўлларим.  
Йўл топиб, йўлинни топгунича то,  
Йўлидан адашиб кетди йўлларим.

Совқотдим қўлимни қишига узатиб,  
Баҳорда уйғунлик туйдим Сиз билан.  
Бутун мен хуш ёзни йиглаб кузатиб,  
Жилмайиб кўришиб қўйдим куз билан.

Айрилиқ керакмас, Қайғу керакмас!  
Шундоқ ҳам чарчади руҳим улардан.  
Мен энди тонглардан шабнамлар териб,  
Руҳ олиб яшайман атиргуллардан.

Ва Сизни авайлаб яшайман ҳар дам,  
Мангу қалбингизда қолгай шукуҳим.  
То таним тупроққа айлангунича,  
Нурларга қўшилиб кетгунча руҳим....



## ШАФҚАТЛИ ҚАЛБ

Сен баҳаво ҳовлинг узра жим,  
Бу не кун деб йиглама нигун.  
Сенга қаҳр қилмайди Тангрим,  
Менга шафқат қилганинг учун.

Сени ҳар кун азобга солиб,  
Қийнар экан бўсалар тоти.  
Мени ҳар тун ўтлардан олиб,  
Ўтга отар гуноҳлар ёди.

Сен қафасга тушган йўлбарсдек,  
Ураркансан ўзингни ҳар ён.  
Мен қафасга тушган қуш каби,  
Термуламан дунёга ҳайрон.

Азал шундай ошиқлар ҳоли,  
Абад ҳамроҳ васлу айрилиқ.  
Ҳарир тунлар олдинда ҳали,  
Кел, йўлбарсим, қафасингдан чиқ.

Қўй, айлама дилимни пора,  
Олма мендан ҳижронлар ўчин.  
Худо севсин Сени минг бора,  
Мени бир бор севганинг учун.

## ИШҚСИЗЛИК

Мен кўп қувончларни истадим Сиздан,  
Мудом қалбингизга озорлар бердим.  
Сиз мени кечиринг, нажот йўқ куздан,  
Балки кўнглингизга кечикиб кирдим.

Балки бу туйғулар ўлдирап мени,  
Балки хароб этар бу ҳаяжонлар,  
Сизсиз ҳаётимга баҳт ҳам кирмади,  
Сизсиз шаънсиз экан бу шараф, шонлар.

Жоним, ялиноман мен билан қолинг,  
Кетманг, узоклашманг ҳатто бир қадам.  
Билинг, ҳар нарсадан эмас аслида,  
Ўлса – ишқсизликдан ўлади одам.



## УНУТМАДИМ

Соғинмаган бўлсанг ҳам келдим,  
Келдим, балки кутмагандирсан?  
Не савдолар ўтди бошимдан,  
Сен баҳримдан ўтмагандирсан?

Ёдингладир ҳеч йўқса исмим,  
Бағрингладир бағримнинг изи.  
Қафтларингда бармоғим тафти,  
Кўзларингда қолгандир кўзим?

Чорламаган бўлсанг ҳам келдим,  
Айрилиққа қўймоқ учун чек.  
Чунки сени унутмадим ҳеч,  
Мен ... Худони унутмагандек.



## КЕЧИР

Хайр, агар қўришолмасак,  
Азоблардан толиқди бу дил.  
Нон насиба, дийдоринг ҳаққи,  
“Тузинг ҳаққи, мени кечиргил”.

Ҳечам хушнуд этмадим сени.  
Мудом ғамлар, қайғулар бердим.  
Сенга боллар бераман, дея,  
Кечир, мудом оғулар бердим.

Ўтган тунлар ҳурмати кечир,  
Кечир лаззат, оғриқлар учун.  
Мен – қошингдан ҳайдалган одам,  
Айт пойингга бормайин нечун?!

Ҳаёт топдим ахир исмингдан,  
Чап қўксимда чақинлар чақди.  
Сенга қаттиқ азоблар бердим,  
Жуда қаттиқ севганим ҳаққи...



## **КУЧЛИ ОДАМ**

Сен бунчалар ўқтам, улкансан,  
Сенга зарра таъсир этмас фам.  
Лекин қайта ёнарми айтгил,  
Кўзларимда ўчиб қолган шам?!

Сен бунчалар жасоратлисан.  
Писанд эмас ҳатто айрилиқ.  
Жуда кучли бўлганинг учун,  
Эҳтимолки, бизлар айрилдик.

Ҳижронларда синаб сабримни,  
Нима топдинг, дилимни доғлаб.  
Агар жуда кучли бўлсанг Сен,  
Кўй узилган ипларни боғлаб...



## ИККИ ОДАМ

Ҳол сўрмадим Сендан ботиниб,  
Сўрай десам, афсус, энди кеч.  
Ёраб, икки шафқатли одам,  
Бир-бирига шафқат қилмас ҳеч.

Сени сўраб олгандим асли,  
Худойимга ҳадсиз ёлвориб.  
Юрагини йўқотган касдек,  
Ўтирибман фарибдан фариб.

Мен туккандим қўлларим курсин,  
Тангрим энди бу тугунни еч.  
Йўқса икки шафқатли одам,  
Бир-бирига шафқат қилмас ҳеч.



\* \* \*

Кўп меҳр кўргаздинг, минг бора раҳмат,  
Айрилиқларга ҳам ўзинг қўйдинг чек.  
Лекин, шу кунларда Сен томонлардан,  
Миннат овозлари келаётгандек...

Шундоқ ҳам елкамни ёмон эздилар,  
Қарздорлик ҳисси, ғам шиддатлари.  
Кўзимни очмоққа қўймайди ҳечам,  
Ҳаёт миннатлари, ишқ миннатлари...

Беминнат бир севги истаётирман,  
Ҳимматли бир ҳабиб изларман ҳар дам.  
Бир юрак бўлсайди куз каби сахий,  
Севгисидан сармаст юрсанг хотиржам.

Азизим, кимим бор ўзингдан бошқа,  
Лабларинг руҳимга жим шивирлади.  
Миллион йил ўтса ҳам келиб турсинлар,  
Меҳринг овозлари, ишқ шивирлари...



## САДОҚАТ

Қўлинг теккан ҳар нарса азиз,  
Кўзинг тушган ҳар не муқаддас.  
Кўй, ёнингдан ҳайдама мени,  
Юрагимдан севгинг кетганмас.

Сеҳринг тафти руҳимда ҳануз,  
Ҳамон қалбда маъюс сувратинг.  
Сен Худодан сўрадинг мени,  
Мен Худодан Сени сўрадим.

Нечун энди айрилиқ фасли,  
Ва юракда оғир қадамлар.  
Нечун кўзинг кундан кун маъюс,  
Нигоҳингда нечук аламлар?!

Фақатгина чида, азизим,  
Ўтса ҳамки азоб жонингдан.  
Юрагимдан кетмаганингдек,  
Кетмагайман мен ҳам ёнингдан.



## ИСМИНГ

Мен билмадим ишқ рангларини,  
Ҳисларимга исм қўймадим.  
Кўксингизни жарангларини,  
Кўп тингладим, лекин тўймадим...

Мафтун этди шу мусаффолик,  
Сеҳр этди мени туйғулар.  
Кўзингизда маъсум шаффофлик,  
Кўзларимда маъюс қайғулар...

Юрак мудом умр қасдида,  
Дилга нечук қадамладингиз?  
Иzlарингиз кўзим устида,  
Юрагимда қадамларингиз...

Мен Сиздаги софлик билан маст,  
Капалак маст гуллар атидан.  
Ишқقا даъво қилиб ҳар бир хас,  
Кетиб борар ҳислар ортидан...

Чеҳрангиздан руҳ олар очун,  
Сиздан бошқа баҳтни туймадим.  
Исмингизни билганим учун,  
Ҳисларимга исм қўймадим.

## **СЕНСИЗЛИК ВА БАХТ**

Кўзларингни соғиндим бугун,  
Кўзим, бағрим, дилларим билан.  
Кут, ёнингга қайтарман бир кун,  
Турналарнинг йўллари билан.

Жоним, дилим мендан ўксиган  
Нигоҳларинг меҳрли, майин.  
Гуллар тақиб ишқдан кўксимга,  
Мен ёнингга бормоғим тайин.

Фақат сев ва мени кутгил Сен,  
Ахир бекор ишқсиз тожу тахт.  
Сенсиз баҳтни тополмайман мен,  
Сенсиз мени тополмайди баҳт!



## СОЯ

Мени кечир, Сени кўп севдим,  
Пойларингга қўйдим бошимни.  
Сен меҳрибон кўлларинг билан,  
Артиб қўйдинг кўзим ёшини.

Мени кечир, Сен деб кўп куйдим,  
Сен яшадинг ғамингни ютиб.  
Мен йиқилар чоғимда ҳар дам,  
Суяб қолдинг елкангни тутиб.

Соянг каби эргашдим, кечир,  
Ахир шу дард етади менга:  
Сен соянгга етолмагандек,  
Етолмайди соянг ҳам Сенга.



## ҚАЙТИШ...

Энди тамом, дедим,  
Алвидо, дедим.  
Кетинг. Бас ҳаққим йўқ,  
менинг озорим.  
Хайрлашмоқ учун минг бор  
қайтаман,  
Нега кетмаяпсиз,  
Телбаи зорим?!  
Хўрланган аёлдек  
менинг юрагим,  
Сизнинг йўлингизга  
йиқилди мана.  
Мен кетаман дедим,  
Сиз эса,  
Йўлимга чиқиб,...  
Кўзларим ёшини артдингиз яна...



## ОЗ СЕВАСИЗ

*Бунча оз севасиз, ёмон севасиз.  
M. Цветаева*

Фамлар чўкиб ётган ғамгин кўзим бор,  
Сўрайдилар: нечун ҳамон севасиз?  
Менинг одамларга битта сўзим бор:  
Бунча

оз севасиз,  
ёмон  
севасиз!

Фасллар ўтади, баҳорлар йитар,  
Умрингизда бўрон, ҳазон, севасиз.  
Турналар бир сўзни жим ёзиб ўтар:  
Бунча

оз севасиз,  
ёмон  
севасиз!

Кетган ҳислар тўлқинлардек қайтади,  
Қалбингизда маъюс армон, севасиз.  
Бир кун кетсам, руҳим келиб айтади:  
Бунча  
оз севасиз,  
ёмон  
севасиз!

### СИЗНИ СЕВГАН ЭДИМ...

Сизни севган эдим, бу дашт далалар  
Кўзларингиз каби мафтун этдилар.  
Ишқнинг шивирига тўлиқ аллалар  
Руҳимни, кўзимни афсун этдилар.

Нурдек тоза эди кўзларингиз ҳам,  
Самовий қудратли сўзларингиз ҳам,  
Изимдан юр, дея изларингиз ҳам,  
Бу лайли руҳимни мажнун этдилар.

Қизғалдоқлар тўккан алвон япроқлар  
Ёниқ юрагимга солди титроқлар.  
Фалаба нашъасин рамзи – байроқлар,  
Негадир дилимни маҳзун этдилар.

Кўксимда ишқ деган бир нафис излар,  
Сочимда, руҳимда анбарин ислар,  
Томиримда оққан ҳукмрон ҳислар,  
Бошим пойингизга сургун этдилар.



## ҚАЙГА БОРАМАН...

Осмон чорласа гар, ойга бораман,  
Сувсизман, чанқасам – сойга бораман.  
Кўнглимни ишқ билан тўлдир Художон,  
Бўм-бўш юрак билан қайга бораман?

Ёй ўз нишонини топиб боргандек,  
Ой хусни жамолин ёпиб боргандек,  
Сувлар соҳилига чопиб боргандек,  
Жилва, эрмак билан қайга бораман?

Ёрим қулоғимга шивирлар маҳзун,  
Менга илоҳийдек туюлар бу ун,  
Ҳаммаси юзага қалқар-ку бир кун,  
Ёлғон эртак билан қайга бораман?

Жим турсам, жонимда исёнлар турар,  
Томирим, қонимда шаън-шонлар турар,  
Ерман, лек, пойимда осмонлар турар,  
Бу қон, суяқ билан қайга бораман?

Айтарлар: Яшайвер ном керак магар,  
Айтаман: Бу заҳар бўлмас-ку шакар,  
У МЕНи, МЕН Уни севмасам агар,  
Айт... бу эркак билан қайга бораман?!

## КАМАЛАК РАНГИ

Нурсиз ҳаётимга нур каби келиб,  
Камалак рангини кўрсатдинг менга.  
Сени топиб олган кунимдан бошлаб,  
Камалак ранглари кўзимга инган.

Олча гулларини юзимга ёпиб,  
Исмингни шивирлар лабларим унсиз.  
Мен Сени ўзимни йўқотиб топдим,  
Лек ўзимни топа олмадим Сенсиз.

Бу маъюс, бу ғамгин қисматим билан,  
Тақдирингга келдим шодлик берай деб.  
Лекин айт азизим, қайғу гуллари,  
Бахтнинг саройига бўлоларми зеб?

Сени топган баҳтли кунимдан бошлаб,  
Лолалар эргашиб юрди изимдан.  
Қачонки исмингни шивирлаб айтсам,  
Камалак ранглари... кетмас...кўзимдан...



## АЁЛ ҚЎШИГИ

Эй дўстларим, шу ўт фаслимда,  
Кўксим ичра бир нур тўляпти.  
Шеърларимни парча-парчалаб,  
Битта алла ёзгим келяпти.

У аллани боламга айтсам,  
Кўксимдаги ноламга айтсам,  
Дунё бешик бўлса тебратиб,  
Оlam ичра оламга айтсам.

Бир тарафда — ўғлим полвоним,  
Бир тарафда — қизим сайроним,  
Ўртасида ўтирсам ўзим,  
Ўз бахтимга ўзим ҳайрона...

Ёвқурлигим либосин ечиб,  
Дубулғамни бошимдан отсам,  
Тўмарисдан қолган қилични,  
Бир бешикнинг нархига сотсам.

Оналиknинг хумори келиб,  
Елкам узра тушганида юк,  
Англадимки – аёл зотининг  
Шеъри бўлмас алладан буюк.

## ОНAM СУВРАТИ

Сен болам, деб қариб боряпсан,  
Рангларинг сарғариб боряпсан,  
Қишлоқнинг тош чағир йўлида,  
Бир музтар, бир ғариб боряпсан.

Балки мен чўқтирдим елкангни,  
Юрагинг осмондан улканми,  
Фамларнинг шамоли тўзғитди,  
Сендай тик, сендай оқ елканни.

Эй, менинг ордан ҳам орлигим,  
Ўзимнинг ўзимга дорлигим,  
Тоабад ичимни тирнайди,  
Шамоллар ичида борлигим...



## ҚАЙТАМАН

Узр, агар ранжитган бўлсам,  
Ғамлар менга айтдилар ўлан.  
Ҳазонлар-ла кетсам ҳам лекин,  
Мен қайтаман турналар билан.

Қайтар экан дилбар баҳорлар,  
Дилбар ҳислар қайтаркан токи,  
Куздан ранжиб, ғамдан оғриниб,  
Сўкилмасин кўнгиллар чоки...

Хайр энди, узр, кўп қолдим,  
Кўп яшадим ғам кетмай дилдан,  
Келган эдим қизғалдоқлар-ла,  
Қайтадурман турналар билан...

## МУНДАРИЖА

Бахтли қиз қўшиғи .....	3
Баҳорга чорлов .....	4
Кузатиш .....	5
Дунёнинг ранги .....	6
Фаришта .....	7
Сизни кўрсам...	8
Араз .....	9
Софинч .....	10
Сизни соғиниб...	11
Шафқатли қалб .....	12
Ишқиззлик .....	13
Унутмадим .....	14
Кечир .....	15
Кучли одам .....	16
Икки одам .....	17
“Қўп меҳр кўргаздинг...” .....	18
Садоқат .....	19
Исминг .....	20
Сенсизлик ва баҳт .....	21
Соя .....	22
Қайтиш...	23
Оз севасиз .....	24
Сизни севган эдим...	25
Қайга бораман...	26
Камалак ранги .....	27
Аёл қўшиғи .....	28
Онам суврати .....	29
Қайтаман .....	30

*Адабий-бадиий нашр*

**Гулжамол Асқарова**

## **ТУРНАЛАР ЙЎЛИ**

**Шеърлар**

*Муҳаррир Муҳиддин Омон*

*Бадиий муҳаррир Шуҳрат Мирфаёзов*

*Техник муҳаррир Татьяна Смирнова*

*Мусаҳҳих Фотима Ортиқова*

*Компьютерда саҳифаловчи Умиджон Ҳайитов*

**ИБ № 4934**

**Босишга 14.06.10 й.да рухсат этилди.**

**Бичими 60x84 1/32. Офсет босма.**

**0,93 шартли босма тобоқ. 0,9 нашр тобоги.**

**Адади 500 нусха. 62–2010 рақамли буюртма.**

**328 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.**

**Оригинал макет «SHODLIK PRINT»**

**масъулияти чекланган жамиятининг**

**компьютер бўлимида тайёрланди.**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Fafur Fulom номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100128. Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.**

**Бизнинг интернет манзилимиз: [www.iptdgulom.uz](http://www.iptdgulom.uz)**

**E-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz)**